



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 166 (12.727)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОННИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Базаров Абдимурат — Қамаш туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Маматкулов Шукуржон — Олтинқул иқтисодиёт коллежи директори, Андижон вилояти

Низамходжаев Зайниддин Махаматович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август



Базаров Абдимурат



Маматкулов Шукуржон



Низамходжаев Зайниддин
Махаматович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИ «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улғу аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга

садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 август

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ — ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Энг улғу, энг азияз» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, маънавий тарғиботчилари, журналистлар иштирок этди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

И.Халимбеков, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латилов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазраткулов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида

ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавийтимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва барқамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

Ўзбекистон Республикаси
халқ артисти»

Султонов Нормўмин Намозович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти
Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович — Ўзбекистон миллий телерадиоккомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали директори

Ҳоликова Муқаддас Шомаксудовна — Ўзбек миллий академик драма театри актриси

Ўзбекистон Республикаси
халқ бахшиси»

Чоршанбиев Очил Элмуродович — Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби мусиқа фани ўқитувчиси (бахши)

Ўзбекистон Республикаси
халқ устаси»

Мадалиев Масуджон Махмудович — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси қандакор устаси

Муротов Ҳабибиддин Тождидинович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста

Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси»

Каримов Бахтиёр Рауфович — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси
халқ ҳофизси»

Иброҳимов Илҳом Абдуллаевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Фаргона вилояти бўлими хонандаси

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган артист»

Абдуқодирова Шодия Дилшотовна — Ўзбек миллий академик драма театри актриси

Атабаев Алишер Исроилович — Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, актёр

Аҳмедов Элмурод Фанишерович — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

Аширалиев Фурқатбек Даврон ўғли — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

Бекчанов Александр Сатимович — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри вокал артисти

Ғуломов Муҳаббат Юсуфовна — «Истиқлол» санъат саройи қошидаги «Тошкент зеболари» рақс ансамбли рақсчиси

Мигнаров Абдуҳалил Абдуллаевич — «Ўзбекфильм» киностудияси актриси

Пиязов Женисбек Буркитович — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқали театр-студияси опера хонандаси
Раҳимова Дилноза Ҳакимовна — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актриси

Турдиева Юлдуз Чориевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Ҳайдарова Зарифа Баҳромовна — Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театри актриси

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийи»

Маврулов Абдуҳалил Абдулҳаевич — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

Тўйчиева Зумрат — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлими бошлиғи

Умуров Хотам Икромович — Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос

Ҳасанова Любовь Тихоновна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори

Хусанов Абдумутал Холмўминович — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги болалар ва ёшлар спорт мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийи

Кувватова Раҳимахон Собиржоновна — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист»

Абдурахимов Карим Бурхоневич — «Правда Востока» газетасининг Бухоро вилояти бўйича муҳбири

Латипов Чори Тошмуродович — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири

Ўрмонова Саодат Убаевна — Ўзбекистон миллий телерадиоккомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлар» муҳаррирати катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими»

Аяпов Шарапатдин — Нукус давлат педагогика институти академик лицейи ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, шоир

Башарова Феруза Кутлуковна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бўлим мудири

Ғиёсова Гулчехра Кўчқоровна — Ўзбекистон миллий телерадиоккомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали режиссёри

Жумаев Абдуғани Жалилович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фотограф

Мелиев Сувокул — ЎзФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, адабиётшунос

Султонов Исажон Абдураимович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Тюрин Александр Иванович — Камолдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

Ҳакимова Ровза Мирсалиевна — Ўзбекистон миллий телерадиоккомпанияси «Ўзбектеlevision» студияси овоз режиссёри

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган соғлиқни
сақлаш ходими»

Мурмусаева Гулнора Кўчқоровна — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази референс лабораторияси мудири

Омонов Шавкат Эргашевич — Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедра мудири

Тошпўлатов Абдувоҳид Фаниевич — Республика ихтисослашган суяк хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази директори

Узакбаева Замира Зарлиқбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси педиатри

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган спорт
устози»

Собиров Фарҳод Шавкатович — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг шахмат бўйича катта мураббийи

Турғунов Ойбек Аширович — Андижон олимпия заҳиралари коллежи оғир атлетика бўлими мураббийи

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган спортчи»

Мамазуллонов Ойбек Каримшер ўғли — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мочалов Алексей Юрьевич — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган халқ
таълими ходими»

Аҳмадалиева Муқаддасхон Обидовна — Фаргона вилояти Бувайда туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Бобоева Нигора Амиркуловна — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

(Давоми 2-бетда)



Мамлакатимизда

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Сурхондарё вилоятидаги тижорат банклари, микрокредит ташкилотларининг масъул ходимлари иштирок этди.

• Андижон вилояти ўлкашунослик музейида мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Гўзал қалблар учун» деб номланган тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази Андижон вилояти бўлими ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада вилоят рассомлари, халқ амалий санъати усталарининг энг сара асарлари намоиш этилди.

• Урганч шаҳрида Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманлари маданият ва спорт ишлари бўлимлари мудири ва ўринбосарлари, спорт мактаблари директорлари ва методистлари, спорт турлари фе-

дерациялари раҳбарлари ва мураббийлари ўртасида ташкил этилган ўқув-семинарида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тренерлик фаолияти билан шуғулланаётган ва ушбу вазифада ишлаш истагида бўлганларни аттестациядан ўтказиш тартиби ҳақида атрофлича сўз юритилди.



• Беларусь бозорларида пушти ва зангори тусдаги картошкалар пайдо бўлиши кутилмоқда. Мазкур янгилик — ноанъанавий тусли ва этдор картошка етиштириш давлат дастури доирасида олиб борилган

кўп йиллик меҳнат самараси бўлди. Семинар ишлари 9 йил давом этган бўлиб, дастлабки йиллар картошканинг таъми ва мағзи бўйича илмий изланишлар олиб борилган, сўнгги 5 йил эса пушти ва зангори тусдаги картошка яратишга сарфланган. Ҳозирда янги турдаги картошкалар давлат синовидан ўтказилмоқда.

• Эбола безгагининг хуружи натижа-сида энг кўп касаллик қайд этилган Либерия, Гвинея ва Сьерра-Леонедан келувчилар учун Жанубий Африка Республикаси ва Сенегал ўзининг денгиз ва ҳаво чегараларини берkitди. Ушбу хасталикнинг олдини олиш мақсадида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг учрашувини Женевада 4-5 сентябрь кунлари ўтказиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН,
ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ,
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Буюк хизматлари учун»
ордени билан

Қаюмов Азизхон – ЎзФА академиги, адабиёт-шунос

«Эл-юрт ҳурмати»
ордени билан

Аҳмедов Муҳаммад Али – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Ғафурбеков Тўхтасин Ботирович – Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи ва танқид кафедраси профессори, композитор

Назарбеков Озодбек Аҳмадович – «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Умаров Саидкомил Ҳамраевич – Ўзбек миллий академик драма театри актёри

«Фидокорона хизматлари учун»
ордени билан

Арипова Шоҳида Раҳматовна – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

Атамуратов Елмурат Турсимуратович – Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Кенес» қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи директори

Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович (Иқбол Мирзо) – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Наубетов Даулетяр Дауишбаевич – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали травматология бўлими мудири

Раҳимов Акбар Муҳитович – Ўзбекистон Бадий академияси академиги, кулол

Холикова Зулхумор Абдувоҳидовна – Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори

«Меҳнат шухрати»
ордени билан

Аваков Вячеслав Ервандович – Тошкент тиббиёт академияси «Анестезиология ва реаниматология» кафедраси профессори

Авезова Нилуфар Раббанакуловна – ЎзФА Физика-техника институти етакчи илмий ходими

Беканов Нурулла – Хоразм вилояти Богот тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири

Ғойипов Норматжон Нишонбоевич – Ўқитувчи наشريёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

Зайтаев Муҳаммаджон – «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари

Миршина Ольга Павловна – Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал гигиена бўлими мудири

Муҳамедов Шавкат – Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси созандаси

Раҳимова Раъно Сафаровна – Республика Маънавият тарғибот марказининг Жондор тумани бўлими раҳбари

Султонова Ўғилой Набиевна – Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 3-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Юсупов Фуломзакир Есенович – «Нурлы жол» газетаси бош муҳаррири

Юсупов Зияутдин Миркадирович – Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч уймакор уста

Ёкубов Бахтиёр Раҳимович – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори

Куროнов Муҳаммад – Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бахарауви

Ҳалимов Жамол Намозович – Бухоро вилояти Шофиркон маъшии хизмат ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Соғлом авлод учун»
ордени билан

Абдуллаев Мурод Бобоҷонович – Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими болалар реаниматологи

Бозорова Турсун Наврўзовна – Навоий вилояти перинатал марказининг чақалоқлар бўлими ҳамшираси

Бортникова Оксана Ивановна – Тошкент шаҳар Олмасор туманидаги 23-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабининг синхрон сузиш бўйича мураббийи

Каримов Равшан Раҳимович – Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббийи

Найпова Дилдора Турсуналиевна – «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли хормейстери

Шералиева Саёҳат – Фарғона шаҳар болалар уйи ҳамшираси

«Дўстлик»
ордени билан

Абдимов Жигербай – Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри

Абдувоҳидов Мубаширхон – Наманган муҳандислик-технология институти «Технологик машина ва ҳозлар» кафедраси доценти

Азизов Эркин Турсунмуратович – Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Наманган вилояти бўлими аъзоси, рангтасвирчи рассом

Болтаев Ботир – Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, реставратор

Данилова Наталья Адамовна – Республика кўғирчоқ театри актёри

Дурдиев Бармат – Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ижодий бирлашмалар ва халқ ижодиётини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Исоқова Бўтакўз Камолдиновна – Андижон вилояти Булоқбоси туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

Маҳмудова Саида Саидкрамовна – Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг стол тенниси бўйича мураббийи

Муҳамедалиев Ҳайдар (Ҳайдар Муҳаммад) – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург

Пак Виктор Николаевич – Ўзбекистон корейс маданий маркази раиси

Расулов Ботирхон Қосимович – Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри бош дирижёри

Роговая Татьяна Петровна – Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи

Седухин Сергей Михайлович – «Дийдор» театр-студияси рассоми

Сунатов Одил – Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

Сугано Рейко – Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Япон филологияси» кафедраси катта ўқитувчиси

Тожибоева Назира Отахоновна – Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими мудири

Усмонова Зухро Ўқтамовна – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Таржима таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

Шомуродов Тоғаймурод – Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси муҳбири

Эргашев Баҳодир Ҳожиқурбонович – «Фуқаролик жамияти-Гражданское общество-Civil society» журнали бош муҳаррири

Эргашев Раҳим Ражабович – Бухоро вилояти мусиқали драма театри актёри

Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна – Андижон вилояти Балиқи тумани «Аълам» қишлоқ врачлик пункти мудири

Юнусов Дамир Идрисович – «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси артисти

Қидриязова Кансаят Оразовна – Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Мамлакатимизда амалга ошириладиган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шухрат»
медали билан

Абдуллаев Икромиддин Нумонович – Фарғона вилояти Бувайда туман «Макомчилар» халқ ансамбли мусиқа раҳбари

Абдуллаев Мамасоат Ганиевич – Жиззах санъат коллежи бўлим бошлиғи

Абдуллаева Малика Мирзажоновна – Андижон вилояти Жалолқудук тумани «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

Абдураимова Нигина Жасур кизи – Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Абидова Зулфия Дилшодовна – Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника офталмологи

Адилова Саида Арзиевна – Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси 7-сон поликлиника ҳамшираси

Аминова Зиёда Аслоновна – Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

Асқаров Махмадали Раҳбарович – Тошкент ҳайвонот боғи бўлим мудири

Бобобекова Юлдуз – Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Бобоқоновна Зебо Абдуллаевна – Тошкент кимё-технология институти «Силикат материаллар ва нодир, қамёб металллар технологияси» кафедраси доценти

Боймуродов Ашуркул – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Вайсова Гулҳебра Аҳмедовна – Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Давлатов Қозоқжон Қўзиевич – Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақўл тумани бўлими тарғиботчиси

Давлатов Эркинжон Худойназарович – Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Дадаматов Абдукарим Усмонович – «Ўқитувчи» наشريёт-матбаа ижодий уйи босма цехи чоп этувчиси

Жалилов Ботир Қосимович – «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

Дусанова Надия Юсуповна – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ибрагимов Шавкат Худайназарович – Хоразм вилояти телерадиокомпанияси режиссёри

Имомов Иқболжон Мухтарович – Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

Иргашева Дурдона Ёқубжоновна – Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот хавфсизлиги кафедраси мудири

Каримов Мирвосит Мирвосиқович – Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази бўлим мудири

Куприянова Наталья Георгиевна – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хормейстери

Мирзааҳмедов Султонмурод Тўхтамуродович – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси постановкachi-оператори

Мирсаидова Муқаддас Олимхўжаевна – Қашқадарё вилояти Қарши тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

Муқомова Розия Жўраевна – Сирдарё вилояти кўзи оғизлар махсус ахборот-ресурс марказининг бўлим мудири

Муталов Дилшод Азизович – Ўзбек давлат академик халқ чолғулари оркестри бадий раҳбари – бош дирижёри

Намуратов Эшбек Қунгирович – Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги «Чавқи» фольклор-этнография халқ ансамбли бадий раҳбари

Носирова Мўясар Азизовна – Фарғона вилояти перинатал маркази бўлим мудири

Нигманова Махфуза Муҳиддиновна – «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи буклов машинисти

Нишонов Хусан Маҳмарайимович – «Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Нуралиева Гулноза Саъдуллаевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази 1-шошилинч педиатрия бўлими мудири

Нуриддинова Жамилахон Икромовна – Фарғона вилояти Кува туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Обрўева Гулҳебра Ҳамроқуловна – Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили фонетикаси кафедраси мудири

Ортиқов Шавкатжон Зокиржонович – «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

Парпиев Алишер Ҳожимуродович – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали режиссёри

Ражабов Ислам Аъзамович – Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

Ражабов Бахтиёр Бобомуродович – Қашқадарё вилояти Қасби туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Расулов Абдуҳамидулла Эркинович – Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефереси

Раҳимов Миршохид Собитович – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканали бош муҳтаҳассиси

Раҳматова Жамила Адизовна – Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Раҳмонова Насибхон Турсуновна – Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Хўррият» қишлоқ врачлик пункти мудири

Рузметова Оксана Азатовна – Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси

Содиқов Илхом Исмоилович – ЎзФА Ядро физикаси институти лаборатория мудири

Сасмаков Собиржон Анаратович – ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти катта илмий ходими

Сатторов Қажрамон Ўроқбоевич – Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-хунар коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Сафарова Холбиби Хотамовна – «Маҳалла» газетасининг Навоий вилояти бўйича муҳбири

Тожибоева Сайёра Мирзамудовна – Сирдарё вилояти Гулистон тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг биология фани ўқитувчиси

Тошбоева Илҳим – «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, каштадўз

Турдикулов Шавкат Сунодиқович – Республика олимпия захиралари коллежи қиличбозлик бўлими катта мураббийи

Шодиев Маҳаммаджон Маҳмуджонович – «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

Усмонова Дилдор Усмоновна – Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

Усмонова Луиза Тўхтасиновна – Жиззах тумани «Жиззахлик» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

Файзматов Музаффар Азамович – Республика болалар ортопедия маркази чанок-сон бўғими патологияси бўлими мудири

Ҳайдарова Зулхумор Расуловна – Андижон вилояти Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

Ҳакназаров Мамараҳим Абдукаримович – «Сайхун йигитлари» фольклор-этнография халқ ансамбли бадий раҳбари

Хўжаева Гулбаҳор Тошевна – Навоий вилояти Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи

Худойберганава Мақсуда Ҳайдаровна – Ғафур Фулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи муқоваловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 августЭНГ УЛУҒ, ЭНГ
АЗИЗ БАЙРАМ –
ИЖОДКОРЛАР
НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори илм-фан, маърифат, маданият ва санъат соҳаларини рағбатлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу савий-ҳаракатларда ижодкорларни навиқрон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи юксак савияли, бадий жиҳатдан мукамал асарлар яратишга руҳлантириш, самарали меҳнат қилаётган юртдошларимиз меҳнатини эъзозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан шу кунларда мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик жараёни қизгин тус олган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадий академия, «Тасвирий ойна» уюшмаси, «Ўзбекистон» миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар томонидан «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўтлуг байрам арафасида ижодий беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя ўз ифодасини топган. Танловнинг республика босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, ди-зайн, кино йўналишлари бўйича тўрт юзга яқин ижодкордан қарийб беш мингта иш тушди. Тақдим этилган асарларда истиқлолнинг маъно-мазмун, халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётий, тасвирчан, содда ва айнаи дамба самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

Истиқлол ижод аҳлига эркин ва самарали фаолият кўрсатиш, ўз салоҳиятини тўла намойён этиш имконини берди, – дейди танлов ғолиби, кино режиссёр Аюб Шахобидинов. – Бугун мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар Ватанимиз тараққиёти, жамият ҳаёти билан бирга юртдошларимизнинг тақдирда, онгу тафаккури, кайфияти ва руҳидаги ижодий ўзгаришларда ўз ифодасини топишда: Буларнинг барчасини тараннум этиш бизга катта масъулият юклайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ижод аҳлига кўрсатилётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Танлов якунида турли йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

ИНГЛИЗ ТИЛИ
ТУРИЗМ УЧУН

Тошкент меҳмонхона ҳўжалиги коллежида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Британия Кенгаши томонидан «Инглиз тили туризм учун» қўшма лойиҳаси доирасида туризм соҳаси мутахассисларини тайёрлайдиган касб-хунар коллежларининг инглиз тили ўқитувчилари учун тренинг ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, туризм соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чет тилларни пухта эгаллаш ушбу соҳа мутахассисларига қўйиладиган асосий талаблардан биридир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўқувчиларнинг ушбу мутахассислик доирасида сўз бойлигини кўпайтиришга қаратилган «Инглиз тили туризм учун» ўқув курси чет тилларни ўрганиш жараёнини такомиллаштиришда самарали восита бўлмоқда. Лойиҳани синовдан ўтказишда 20 нафар ўқитувчи ва 800 нафар коллеж ўқувчиси иштирок этиб, тилни янги услуб бўйича ўрганмоқда. Туризм касб-хунар коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, ўқувчи ва педагоглар учун ўқув материалларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу мутахассислик бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришга қаратилган тренинглар ўтказилмоқда.

Бу «Инглиз тили туризм учун» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган тўртинчи семинардир, – дейди лойиҳа мутахассиси, Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети чет тиллар факультетининг инглиз тили ўқитувчиси Гўзал Утемуратова. – Машғулотлар доирасида мулоқот қилиш кўникмаси, мамлакатимиз ва дунёда туризмнинг ўзига хос хусусиятлари каби долзарб мавзуларда суҳбатлашмоқдамиз. Бунинг самарасида ўқув жараёни такомиллаштирилмоқда, машғулотлар интерфаол услубларда ўтказилаётганини ҳисобидан лойиҳа тобора қизиқарли ва самарали бўлмоқда.

(ЎЗА)

Халқ маънавий маданиятини шакллантиришда театр санъати муҳим ўрин тутати. Театр асрлар мобайнида инсонларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва муҳим тарбиявий восита вазифасини бажариш билан бирга, ҳаёт мазмунини англаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва дўстлик муносабатларини шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу саҳна санъати инсониятни ўйлантириб келаётган турли фалсафий масалаларни ўртага ташлайди.

Маърифатпарвар ёзувчи ва театр арбоби Маҳмуд-хўжа Бехбудий «Театр ўйинбозлик эмас! Масхарабозлик ҳам эмас! Театр бамисоли ойнаванд бир уйким, кирган ҳар бир кимса ўз ҳусну қабиҳини кўра олур», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, театр жамиятнинг маънавий ва маданий ҳаётини акс эттирадиган ўзига хос кўзгудир. Мамлакатимиз театрлари саҳнасида ҳам ҳар кунни томошабинлар ва актёрлар ўртасида долзарб мавзуларда ўзига хос мулоқот бўлиб ўтади. Айниқса, истиклол йилларида қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида театрларимиз яна томошабинлар билан тўлиб, ҳақиқий маданият, маънавият ва маърифат ўчоғига айланиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли миллий театр санъати ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашга муҳим ҳисса қўшмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ва 1998 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»-ги Фармонлари муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек театр санъати замон синовидан муваффақиятли ўтган миллий ва жаҳон анъаналари ҳамда таърибаси асосида изчил ривожланиш йўлига тушиб олди. Профессional ижодий жамоалар, театр студиялари, хаваскорлик гуруҳларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жаҳон стандартлари даражасидаги санъат ва маданият саройлари, театр бинолари барпо этилди, мавжудлари капитал таъмирланмоқда. Жумладан, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маълумотларига кўра, сўнгги йилларда Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти, Оғаҳий номидаги Хоразм вилояти, Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театрлари, Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусикали драма театри, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри ҳамда бошқа театр бинолари капитал таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта теат-

ри биноси капитал реконструкция қилинмоқда. Тез орада театр опера ҳамда балет санъати ихлосмандлари учун ўз ашигини яна очади.

Жорий йилда Ўзбек Миллий академик драма театри ўзининг 100 йиллигини нишонлайди. 1914 йилда асос солинган ушбу маданият маскани мамлакатимиздаги дастлабки замонавий ва профессионал театрдр. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўзбек миллий театр санъати узок ўтмишда табиат қудратига бағишланган куй-қўшиқлар, меҳнат жараёнлари билан боғлиқ пантомима ва халқ ўйинларининг қизиқчилик саҳна томошалари асосида шаклланган.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи бой ва эътиборга лойиқдир. Театр ўз фаолиятини пойтахтимиздаги

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдида

МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

«Колизей» залида бошлаган. Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар бўйлаб кўлаб гастроль сафарларига чиққан театр жамоаси узок йиллар давомида ўз ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга имкон берадиган шароит мавжуд бинога эга бўлишни орзу қилган. 1968 йилда уларнинг орзуи қисман рўёбга чиқди. Ушанда собиқ «Ватан» кинотеатри биноси театр ихтиёрига берилди. Бироқ бу ерда актёрлар ўз истеъдодини тўлиқ юзага чиқариши ва мураккаб саҳна асарларини томошабинларга манзур қилиб етказиши учун етарлича шароит йўқ эди.

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорларининг бир неча авлоди орзу-умидлари мустақиллик йилларида ушалди. 2001 йили Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан театр биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Томошабинлар зали, саҳна ва хизмат бинолари янгиланди, улар замонавий меъморчилик ва технологик талабларга мувофиқ жиҳозланди. Ўзбек театрининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган ва ўнлаб атоқли актёрлар етишиб чиққан бу театрга «Миллий театр» мақоми берилди. Театрнинг аини пайтдаги ривожланиш босқинини репертуар эркинлиги, ташкилий шаклларнинг ранг-баранглиги, миллий теат-

римиз анъаналарининг жаҳон саҳна маданияти ютуқлари билан ўзаро уйғунлигида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»-ги Қарори нафақат Миллий театр, балки бутун ўзбек театр санъатида амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг мантикий давоми бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, юбилей олдида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар доирасида театр биноси капитал реконструкция қилиниб, унга туташ худудлар ободонлаштирилмоқда. Театрда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида «12-трест» очик акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилмоқда.

Театрнинг нафақат ташки, балки ички қиёфаси ҳам ўзгармоқда, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бинонинг олд томони ва том қисми янгиланди. Томошабинлар учун 540 замонавий шинам ўриндиқ ўрнатилиб, саҳна тўлиқ янгиланди. Тез орада «Yamaha», «Sony» каби дунёдаги етакчи компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ёритиш, овоз чиқариш ва саҳна жиҳозлари ҳам ўрнатилади. Томошабинлар ва репетиция залларига мақбул ҳаво ҳароратини бир маромда сақлайдиган замонавий қурилмалар ўрнатишмоқда. Саҳна безаклари янгиланиб, кийиниш ва грим хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. Мухандислик-техник коммуникациялар такомиллаштирилаётди.

Театрнинг маъмурий биноси ҳам капитал таъмирланади. Шунингдек, фойега панно ва реклама шитлари ўрнатилади. Театр худуди кўламли зорлаштирилиб, манзарали дарахтлар экилади, майсазор, автомобиллар тўхташ жойи ташкил этилади. Ишларнинг ўз вақтида бажарилиши учун 160 нафардан ортик мутахассис жалб қилинган. Тез орада Ўзбек Миллий академик драма театрининг кўп сонли мухлислари мамлакатимизнинг замонавий ва муҳташам театр қошонасида бетакрор спектакллардан яна баҳраманд бўлади.

Президентимизнинг 2014 йил 22 январдаги қарори асосида Миллий театрининг тарихи ва бугунги кун ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм яратилмоқда. Фафур Фулом номидаги нашриёт театрининг 100 йиллигига бағишланган альбом-китобни нашрга тайёрламоқда. Ушбу нашр «Ўзбек театри: тарих, ривожланиш ва келажак» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда тақдим этилади.

Бундай катта эътибор миллий театр санъатига янги руҳ бағишлаши ва янада ривожланишига туртки бериши, шубҳасиз. Президентимиз Ислам Каримов «Бухоро маданий маркази» мажмуаси ва Бухоро вилоят мусикали драма театри янги биносининг очилишида таъкидлаганидек, буларнинг барчаси фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратишга хизмат қилиши даркор.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Одам савдоси — инсон, унинг шакли, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажакга таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги, гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётгани билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Минг шукрки, тинч ва осойишта юртимизда ҳалол меҳнат орқали етарли даромад топиш учун барча шарт-шароит яратилган. «Қўшнингнинг товуги фоз кўринади» деганларидек, хорижда бебилска пул топиш мумкин, деган афсонага ишониб, афсус чекиб қолаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Шундай пуч ёнғоққа ишонган, унча пайтахтдаги замонавий ўзгаллик салонларининг бирида сартарос бўлиб ишлаб келган З. Умирова (айрим сабабларга кўра исм-шарифлар ўзгартрилган)нинг кўнгли чет элни тусаб қолади. БААнинг Дубай шаҳрига етиб борганида, бегона давлатда қандай разил ишлар билан шуғулланишга мажбурлигини тушуниб етганида жуда кеч эди. Дубайда уни аввалгига очик юз билан қарши олган Г. Тўхтамишева бошчилигидаги уюшган гуруҳ аъзолари З. Умировани бундай манфур ишлар билан шуғулланмаслиги ҳақидаги нуқтаи назарини эшитиб, дўппослаб, куч ишлатишда ва ночор аҳволда мажбурлашди. Бечора кизнинг оила аъзолари гумонланмасликлари учун эгри йўллар билан топилган пуллари маълум қисмини жабрланувчинини уйига жўнатиб туришди.

Уларнинг манфур шартларига қўншига мажбур бўлган кизнинг ўзи биллиб ёки билмай қилган яна бир хатоси — уйдагилар билан телефон орқали суҳбатлашганида бор ҳақиқатни ота-онасидан яширади. У ҳар сафар ақиллари билан хабарлашганида «Ишларим яхши, хавотир олманглар» дея тинчлантиради. Шундай қўнларнинг бирида касбдош орасини қора тортиб келган синглиси Н. Умированинг ташрифи бор ҳақиқатни фож килди.

Юқорида номи келтирилган Г. Тўхтамишева ва ҳамтовдошларининг фарзали ниятлари ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қанчадан-қанча хотин-қизларимизнинг умидлари эрта сўнишига, тақдир буткул ўзгаришига олиб келди. Аслида Г. Тўхтамишевани бу нопок йўлдан қайтари-

ши керак бўлган отаси А. Ақобиров ҳам ўз нафси ва уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб, одамларни алдов орқали бу манфур йўлга жалб қилиш мақсадида бошқа шахсларни ёллаб келган. «Тузок»қа илгинларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини олиб қўйиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан олиб ўтшига бош-қош бўлган.

Албатта, жиноятчи ота-бола ўз қилмишига яраша жазосини олди. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди чиқарган ҳукмга асосан, фуқаро А. Ақобировга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисмининг «г» банди ва 238-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганлига айбдор деб топилиб, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Фуқаро Г. Тўхтамишева ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «г» банди ва 227-моддаси 2-қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганлига айбдор деб топилиб ва 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўзбекистонда ўта оғир жиноят ҳисобланмиш одам савдосидан жабр кўрганларни ҳимоя қилишни назарда тутувчи «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги Қонун мавжуд. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан бир қатор моддаларда ушбу ноқонуний, жиноий фаолиятга чек қўйиш тартиби белгиланган. Айни пайтда барчамизнинг асосий вазифамиз ва фуқаролик бурчимиз — ҳушёр ва огоҳ бўлишдан иборат. Бунинг учун эса ҳар биримиздан мустақил юртимизнинг тараққиёти учун хизмат қилиш истаги ҳамда ўз мустаҳкам фуқаролик позициясига эга бўлишимиз талаб этилади.

Улугбек ТОШЕВ,
Миробод туман прокурорининг ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»да таҳсил олаётган иқтидорли ёшларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг таътил кунларини мароқли ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишида «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Юнусобод тумани маҳаллаларида истиқомат қилувчи олти мингдан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, шу билан бирга туманда истиқомат қилаётган ёшлар учун мазкур марказ томонидан ташкил этилган чет тиллари, компьютер саводхонлиги ўқув курслари, тикувчилик, ёш ижодкорлар, соғломлаштириш-рақс йўналишларда тўғараклар бепул хизмат кўрсатиб келмоқда.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани Кенгаши қошида 2008 йилда «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» ташкил этилган, — дейди «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази» координатори Гулчеҳра Шоназарова. — Марказ маҳалла ёшларининг мустақил ҳаётга кириб келишида, уларнинг ижтимоий фаоллиги, маънавий баркамоллиги, ахлоқий тарбияси ҳамда юксак ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни татбиқ этиш мақсадида фаолият юритиб келмоқда. Марказда ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандлари, ички ишлар бўлимларида рўйхатда турувчи ёшларга билим ва кўникма бериб, иқтидорларини юзага чиқаришга ҳаракат қилинмоқда.

Тадбир меҳмонлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар худудий бошқармасининг Юнусобод тумани филиали раҳбари Дилбар Зайнутдинова, туман ФХДБ бўлими раҳбари Маҳфуза Мирбабаева, Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова ва бошқалар ёшларнинг ишларини муносиб баҳолашди.

Тақдимот маросимида марказда таҳсил олаётган ҳамда туманда истиқомат қилаётган ёшларнинг халқ амалий санъати, тикувчилик, зардўзлик, каштачилик ва бошқа йўналишлар бўйича кўргазмалари намоиши ўтказилди.

Тадбирда тўғаракларда таҳсил олаётган фаол ёшлар маҳоратларини намоён этиш билан бирга «Камолот издошлари» ва «Камолот ёшлари» жамоалари ҳам ўзаро беллашди. Бундан ташқари ёшлар ўзларининг ажойиб баддий чиқишларини йиғилганларга намоиш этишди.

Натижаларга кўра «Камолот издошлари» жамоаси ғолиб бўлди. Фолибларга эсдалик совғалари ва диплом, фаол иштирокчиларга эса ташаккурномалар топширилди. Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига аттракционларда учин учун чипталар тарқатилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Кўргазмалар

ЁШ ИЖОДКОРЛАР МАҲОРАТИ НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Соғлом бола йилга бағишлаб ижодий фотомактаб — студияси битирувчиларининг 16-ҳисобот кўргазмаси очилди.

Кўргазма экспозициясидан Дилшод Назаров, Алмира Мустафина, Фарход Мустафин, Динара Султанова каби жами 13 нафар ёш ижодкорнинг портрет, манзара, натюрморт, репортаж ва бошқа жанрлардаги 150 га яқин фотосуратлари жой олган.

Намоиш этилаётган асарлар юқори савияда бажарилганлиги, услубий ва мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Ўйлаймизки, ёш ижодкорлар келажакда фотосанъатнинг сирли оламида ўзига хос асарлар яратадилар.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Анжуманлар

ТАВСИАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Пойтахтимизда ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Тадбиркорлар мулоқот форуми» доирасида «Давлат мулкни бошқариш соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштириш ва ташкилий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш» мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Иқтисодиёт, Молия, Солиқ, Божхона ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармалари, Савдо-саноат палатаси ходимлари, мутахассис-экспертлар ва тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Т.Назаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Ф.Зоиров, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси юридик бўлими бошлиғи Й. Нарзиев ва бошқалар бугунги кунда, иқтисодиётимизда давлат мулки билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Ер, Солиқ, Уй-жой кодекслари, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»-ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»-ги, «Ижара тўғрисида»-ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинаётганлиги, аҳамиятлиси эса, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ислохотлар жараёнида албатта, давлат мулкни бошқариш муносабатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Жорий йилнинг 7 июлида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори шулар жумласидандир. Ушбу қарор давлат мулкidan оқилона ва самарали фойдаланиш, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари, бўшаётган ер участкаларидан замонавий рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш борасида фойдаланиш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Иқтисодиётни ислох қилишнинг бугунги кундаги босқичида, хусусий мулк институти мустаҳкамлаш ва миллий иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириб боришга бўлган эҳтиёж билан биргаликда, давлат мулкни бошқаришнинг аниқ йўналишга эга, иқтисодий ва мантикий жиҳатдан самарали бошқариш тизимини яратишга зарурият вужудга келди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ўз аксини топган ғоя, тақлиф ва қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш, шунингдек, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида»-ги қонуни лойиҳаси айнан мана шу муҳим мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади давлат мол-мулкни мамлакатимизда ҳам, ундан ташқарида ҳам самарали бошқаришга йўналтирилган бўлиб, бу борадаги қонунчиликни янада ривожлантиришдан иборатдир. Лойиҳада давлат мулкни республика ва муниципал мулкка ажратиш, давлат мулкни бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга оширишда давлат органлари масъулиятини ошириш ҳамда уларнинг ваколатлари чегарасини аниқ кўрсатиш тақлиф этилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор хорижий ва МДХ давлатлари, жумладан Германия, Франция, Испания, Россия Федерацияси ва Қозғистон Республикасининг давлат мулкни бошқариш соҳасидаги қонунлари ўрганиб чиқилган.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан билдирилган барча тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, ЎзЛиДеПнинг Қонунчилик палатасидаги фракциясига мазкур қонунни янада такомиллаштириш мақсадида тақдим этилишига келишиб олинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Болалар спорти

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ
КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Улғайиб келаётган ёшлар — миллатнинг, халқнинг, мамлакатнинг келажигидир. Уларга кўрсатилаётган эътиборни юрт келажиги учун қилинган ғамхўрлик дея тавсифласак тўғри бўлади.

Президентимиз ташаббуслари билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Болалар ўртасида спортни ривожлантириш ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг бир йўналишидир. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, Шайхонтохур туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан Шайхонтохур туманидаги 41-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган «Соғлом танда — соғ ақл» деб номланган спорт мусобақаси ҳам жуда қизиқарли ўтди.

Мусобақада тумандаги таълим масканлари ва спорт мактабларининг уч юздан ортиқ ўсмирлари спортнинг футбол, таэквондо ВТФ, стол тенниси, шахмат, шашка ва дартс турлари бўйича ўзаро беллашиб, куч ва маҳоратларини намойён этишди.

— Мазкур мусобақани ўтказишдан мақсад ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашдан иборатдир, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтохур туман Кенгаши раиси Лазиз Тураев. — Ёш авлоднинг ҳар жихатдан соғлом ва бақувват вояга етиши учун бу каби спорт мусобақалари муҳим омил бўлиб хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда болаларнинг спорт билан шугулланишлари учун барча шарт-шароит, имкониятлар яратилган. Ёшларимизнинг мавжуд шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб турли мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаётгани қувонарлидир.

— Мен «Алпомиш» спорт клубида каратэ билан икки йилдан буюн шугулланиб келмоқдам, — дейди 314-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Мадинабону Абдукаримова. — Туманда ўтказилаётган турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлишимда мураббийларнинг хизмати бекиёс.

Мусобақа давомида ёш хонандалар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар, акробатика, қиличбозлик, таэквондо ВТФ, каратэ бўйича кўргазмалар чийилар спорт тадбирига ташир буюрган барча меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди. Айниқса, 27-мактабга таълим муассасаси жажжи болажонларининг гимнастрада бўйича бажарган машқлари барчага манзур бўлди.

Спорт тадбири сўнггида мусобақанинг фаол иштирокчилари ташкилотчилар томонидан диплом ва фахрий ёрлик, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳамшаҳарлар диққатига!

Тошкент шаҳрида 2014-2015 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2014 йил 5 сентябрдан 26 сентябрга қадар, иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамликка ва зичликка (юқори босим) синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати

1-ИМ (М-4)

11 сентябрь кун — Мустақиллик шох кўчаси, Мирзо Улуғбек кўчаси, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Мухаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Окқўргон, Осиё, Кичик халқа йўли, Шахриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилов, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқинлоқмаш, Мавлоно Риёзий мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

1-ИМ (М-1,4)

25 сентябрь кун — Мустақиллик шох кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Мухаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Окқўргон, Осиё, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик халқа йўли, Дўрмон йўли, Шахриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилов, Боғишамол, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқинлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 мавзелари, ТошГРЭС кўргони, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ

15 сентябрь кун — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш. Бурхон, Р. Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув — 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўргони.

3-ИМ (М-1,4)

10 сентябрь кун — Бунёдкор шох кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, Қоратощ, Фуркат, Афросиёб, Кичик халқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Маннон Уйғур, Шифонур, Қорақамиш кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратощ, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1, 2/2 турар жой мавзелари.

4-ИМ (М-0,1)

17 сентябрь кун — Амир Темур шох кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик халқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтохур, Баҳор, Қорақамиш кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, М-1,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5 мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

9 сентябрь кун — Амир Темур шох кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонбод, Соҳибкор, Шахристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўргон, Кулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод мавзеси 1-19 даҳалари.

5-ИМ (М-0,4)

16 сентябрь кун — Чилонзор мавзеси 5-12, Г9А, 16-20, 24-26, М, 20А даҳалари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарк, Гулистон, Ал Хоразмий-1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарход, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик халқа йўли, Нақшошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин кўчалари.

6-ИМ

12 сентябрь кун — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Кўйлик, Абдурауф Фитрат, Фаргона йўли кўчалари, Кўйлик -1-7, Кўйлик — Айланма йўли турар жой мавзелари.

7-ИМ

15 сентябрь кун — Қорасув, Бешарик, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар, Охангарон йўли кўчалари, Тўзел — 1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод -1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

8-ИМ

5 сентябрь ва 24 сентябрь кунлари — Сергели 1-8А, Йўлдош — 8,15,16,17, Дўстлик — 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Мехриғиё, Сўғдиёна, Қитноқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўргонтепа кўчалари.

9-ИМ

18 сентябрь кун — Чилонзор мавзеси 9, Г9А, 10, 13-15, 15А, 21-25, 30, 31-даҳалари, Шарк, Ал Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа, Кичик халқа йўли, Фозилтепа кўчалари.

10-ИМ

8 сентябрь кун — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, 2-Шифокорлар кўчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/3, 2/4, Бешқўргон-1,2,3,4, Қамарнисо, Ўз МУ-ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино -1,2, Белтепа микротуманлари, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)

26 сентябрь кун — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор мавзеси 1-5, Е, И даҳалари, М-7 турар жой мавзеси.

Вактинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Куйдаги иссиқлик марказларини тўлиқ режалар кўзга тўхтатиш мўлжалланмоқда.

1-ИМ

«Шимолий-Шарк»
«Қорасув»
«Фарбий»
«Шимолий»
«Чилонзор»
«Жануби-Фарб»
«Авиасозлар»
«Сергели»

«Водник»

«ТТЗ»

«Саноатэнерго»

ТошИЭМ

5-ИМ иссиқлик манбасини тўхтатилиши даврида 9-ИМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

4-ИМ иссиқлик манбасини тўхтатилиши даврида 10-ИМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

ТошИЭМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида куйдаги манзиллар бўйича иссиқ сув таъминоти бўлмайди:

ИЭМ (М-0,5,8)

6 октябрдан 10 октябргача — Амир Темур шох кўчаси, Рашидов, Афросиёб, Глинка, Қумарик, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Зарафшон, Кичик халқа йўли, Боғистон, Боғибўстон, Олтинводий, Шахрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Гейдар Алиев, Бобур, Шота Руставели, Арнасой, Катта Чилонзор, Муқимий, Аския, Чўпонота, Қатортол, Заргарлик кўчалари, Чилонзор мавзеси 1-10, 14,15, 16,17,18,19,20,20А, М, Е, И даҳалари, Дўмбиробод, Қўшбеги, Бошлик, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5, Оқтепа турар жой мавзелари, Оқтепа микротумани, М-7 турар жой мавзеси.

ИЭМ (М-5)

5 сентябрь кун — Амир Темур шох кўчаси, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Зарафшон, Кичик халқа йўли, Шахрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, М-1,2,4,5,7 турар жой мавзелари.

ИЭМ (М-5,8)

19 сентябрь кун — Амир Темур шох кўчаси, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумарик, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Зарафшон, Кичик халқа йўли, Шахрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Гейдар Алиев, Олтинводий кўчалари, Қўшбеги, Бошлик, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5,7 турар жой мавзелари.

«Водник» қозонхонаси

11 сентябрь кун — «Сувсоз» турар жой мавзеси доирасида, Хусайн Бойқаро кўчаси.

«ТТЗ» қозонхонаси

8 сентябрь кун — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари доирасида, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзработ кўчалари.

«Саноатэнерго» қозонхонаси

9 сентябрь кун — «Қурувчи» турар жой мавзеси. «Саноатэнерго» қозонхонаси таъсир доирасида 9 сентябрь кун иссиқ сув таъминоти бўлмайди. Сизни эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пидедалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, жайдовчилар ва пидедалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичида-босқичи ошиб бориш тартитида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар Экспериментал биологияси институти»нинг 21.08.2014 йилдаги 02-05/445-сонли буюртманомадига асосан институтига тегишли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори Юз маҳалласи, ЎзР ФА Генетика ва ЎЭБ институти автосаройида сақланаётган куйдаги автотранспорт воситалари куйилмоқда:

1. «Газ-3102» русумли, давлат рақами 10/907НАА бўлган, 2000 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 593 000 сўм.

2. «Газ-24» русумли, давлат рақами 10/908НАА бўлган, 1975 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 940 000 сўм.

3. «ПАЗ-3205» русумли, давлат рақами 10/624ААА бўлган, 1990 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 870 000 сўм.

4. «УАЗ-396200» русумли, давлат рақами 10/493 НАА бўлган, 1995 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 094 000 сўм.

5. «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10/494 НАА бўлган, 1990 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 585 000 сўм.

6. «ВАЗ-2106» русумли, давлат рақами 10/906 НАА бўлган, 1995 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 149 000 сўм.

7. «ГАЗ-5312» русумли, давлат рақами 10/889 ААА бўлган, 1989 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 808 000 сўм.

8. «КАВЗ-3685М» русумли, давлат рақами 10/685 ААА бўлган, 1985 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 264 000 сўм.

9. «ЛАЗ-695Н» русумли, давлат рақами 10/496 НАА бўлган, 1986 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 175 000 сўм.

10. «ГАЗ-6611» русумли, давлат рақами 10/625 ААА бўлган, 1987 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 927 000 сўм.

11. «МАЗ-5549» русумли, давлат рақами 10/491 НАА бўлган, 1988 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 535 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 26 сентябрь кун соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг ёхирги муддати: 2014 йил 24 сентябрь кун соат 18:00.

Автотранспорт воситаларининг 26 сентябрдаги савдоси бўлиб ўтмаганда, тақририй савдолар 2014 йил 6 ва 17 октябр кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 6 октябрдаги савдо учун 3 октябр кун соат 18:00; 17 октябрдаги савдолар учун 15 октябр кун соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «РММ» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52. Гувоҳнома №006231.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефони: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



дузи — 36-38 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати

маълумотида кўра,

Тошкент шаҳрида 26 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имкониёт яратди, тағмиқдор ност бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
Факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроил

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30